

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc. 28.03.2018.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСЛОМОВА САИДАХОН ТУРГУНОВНА**

**ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТОВАРЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ  
АСОСИДА СИНФЛАШНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Исломова Саидахон Тургуновна**

Лок-бўёқ маҳсулотларини товарлар номенклатураси асосида  
синфлашнинг баъзи бир масалалари..... 3

**Исломова Саидахон Тургуновна**

Некоторые вопросы классификации лако-красочных материалов на  
основе товарной номенклатуры..... 19

**Islomova Saidakhon Turgunovna**

Some issues of the classification of paint and varnish materials based on  
the commodity nomenclature..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc. 28.03.2018.К/Т.04.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСЛОМОВА САИДАХОН ТУРГУНОВНА**

**ЛОК-БЎЁҚ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТОВАРЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ  
АСОСИДА СИНФЛАШНИНГ БАЪЗИ БИР МАСАЛАЛАРИ**

**02.00.09 – Товарлар кимёси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.РbD/T251 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамракулов Гафуржан  
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Каримкулов Курбонкул Мавлонкулович  
техника фанлари доктори, профессор,

Тураев Шавкат Абдикаюмович  
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот

Андижон давлат университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 28.03.2018.КТ.04.02 рақамли Илмий кенгашнинг «26.06» 2018 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 10011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоний кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tcti\_info@edu.uz.).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (48 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоний кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «04» 06 кунни тарқатилди.  
(2018 йил «22» 11 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Ш.А.Муталов  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Х.Л.Пулатов  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

Д.А.Раҳимов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
ахборот-таълим семинари раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида «лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда Нидерландия, АҚШ, Германия, Япония, Швейцария, Норвегия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Мексика ва Россия Федерацияси етакчилик қилмоқда ва бу маҳсулотларга бўлган талаб йилига 43 млрд.(л) ташкил қилади»<sup>1</sup>. Лок-бўёқ маҳсулотларини сифатини, турини ва нархини аниқлашда тўғри таснифлаш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш усулларини яратиш йўналишида илмий ишлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқилган халқаро, номенклатураларнинг ташкилотлар томонидан қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беришини таъминлаш мақсадида товарларнинг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мос ҳолда тўғри синфланишига товарларни таснифлаш ва кодлашнинг уйғунлашган тизими тўғрисидаги халқаро конвенцияда белгиланган ягона таснифлаш бўйича халқаро мажбуриятларни бажаришга ва божхона статистикасининг объективлигини ошириш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасини қўллашда товарларни таснифлаш, лок-бўёқ маҳсулотларини ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини қўллаш учун уларнинг физик-кимёвий ва физик-механикавий кўрсаткичлари асосида кодлаш ишларини амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожланиш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспортнинг тузилмаси ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва сафарбар этиш»<sup>2</sup> вазибалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, лок-бўёқ маҳсулотларининг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида синфлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида давлат божхона хизмати органлари фаолиятидаги тартиб-таомиллар тўғрисида»ги, 2017 йил 15 декабрдаги ПФ-5286 сон «Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 29 сентябрдаги ПҚ-3303-сон «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3254-сон «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3351-сон «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-

1 <http://colordigest.com/top-50-krupnejshix-mirovyx-proizvoditelej-lkm/>

2 <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>

қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларининг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида синфлашнинг айрим масалалари бўйича О.А.Голубенко, С.В.Колобов, Т.В.Гомелько, К.Н.Красиков, С.Ю.Дмитренко, В.Е.Сыцко, Е.И.Андреева, Т.К.Гаммацева, В.В.Шмидт, Л.П.Жугла, А.В.Авдеенко, Д.Ф.Реш, С.А.Вилкова, К.А.Алымбеков, О.Ю.Свекольникова, Н.А.Гриневич, И.Р.Асқаров, Ғ.Ҳамрақулов, К.М.Каримқулов, Л.Т.Пулатова, Б.Ё.Абдуганиев, Ш.М.Қирғизов, А.М.Жўраев, Н.Х.Тухтабоев, О.Ж.Абдурахмонова, М.М.Хожиматов, Д.Т.Хасанова, Н.Қ.Тўлаков ва бошқалар илмий ишлар олиб борган.

Улар томонидан товарларни кимёвий таркиби асосида идентификациясини ўтказиш, синфлаш ва сертификатлаш тамойиллари яратилган. Хусусан экспорт-импорт қилинадиган айрим маҳсулотларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида божхона экспертизаси ёрдамида идентификация қилишни амалиётга жорий этиш бўйича тавсиялар берган.

Ҳозирги кунда лок-бўёқ маҳсулотларининг сифати бўйича экспертиза самарадорлиги, янги яратилган лок-бўёқ маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари билан боғлиқ қатор методологик масалаларни ҳал қилиш устида илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан экспертиза ва сифатни баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал этиш эса товарларни янги кодларини белгилашда пайдо бўладиган қатор муаммоли масалалар ечимини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти «Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифатни бошқариш ва товарларни синфлаш» илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** автомобиль ва индустриал лок-бўёқ маҳсулотларини уларнинг кимёвий таркибига кўра уйғунлашган тизим асосида миллий товарлар номенклатурасини яратишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лок-бўёқ товарларини қалбакилаштириш моҳиятини тадқиқ қилиш, таснифлашни ишлаб чиқиш, маҳсулотнинг асллиги бўйича экспертизасининг методологик хусусиятларини аниқлаш;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасида амалда қўлланилаётган лок-бўёқ маҳсулотлари кодларини комплекс ўрганиш;

хозирда қўлланилаётган техник шартлар ва лок-бўёқ маҳсулотлари бўйича O'z DSt ўрганиш, ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича товар кодларини аниқлашга таъсир кўрсатувчи асосий физик-кимёвий ва механикавий параметрларни аниқлаш;

республика иқтисодий манфаатларини ҳимоя қила оладиган, ташқи иқтисодий алоқаларда қўллаш учун лок-бўёқ маҳсулотларига кимёвий таркиби бўйича янги код рақамларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти BPR Gaz, BPR Gan, Solid 12U, Solid 38 L, Solid 77 K, GNG Met, BPR GCW, GNL Met, QT-Морская волна, YS-360 Surfaser grey, Royalmel 9794, Qthate UT-720 White, traffic, neolite, QD Primer, Royalpox, Royaltex, Hayat emal eco, Universal Mehrjon emal PF-115 OQ, Mehrjon emal PF-121 MM, Mehrjon emal PF-121, Hayat emal PF-115 автомобил ва индустриал бўёқлар.

Тадқиқотнинг предмети аналитик кимё, полимер моддаларнинг физик-кимёси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида лок-бўёқ маҳсулотларининг кимёвий ва физик-кимёвий хоссалари Давлат стандартлари асосида методологик усулларда ҳамда ИК-спектроскопик таҳлил, масс селектив детектор билан хроматографик таҳлил, дифференциал термик таҳлиллар ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор лок-бўёқ маҳсулотларининг кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда амалдаги товар кодларига қўшимча тарзда киритилган товар кодлари учун уларнинг кимёвий тузилиши ва таркиби асосида изоҳлар тавсифи берилган;

лок-бўёқ маҳсулоти турлари учун товар кодларини смола микдори, ранг берувчи моддалар ва эритувчилар табиати ҳамда таркибдаги бошқа кимёвий моддаларнинг микдори асосида белгилашнинг физик-кимёвий усули ишлаб чиқилган;

лок-бўёқ маҳсулотларининг товар ҳолатини белгиловчи органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларига мувофиқ мазкур маҳсулотларнинг код рақамларини уларнинг зичлиги асосида белгилаш аниқланган;

лок-бўёқ маҳсулотларининг код рақамларини аниқлашда хужжатларга асосланган услубиятдан тубдан фарқ қилган ҳолда мазкур маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига мувофиқ усул ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ноозик-овқат бозорини сифатсиз ва хавфли маҳсулотнинг олиб кирилишидан селектив ҳимоялаш усули яратилган;

божхона статистикаси бўйича янада чуқур ва аниқ маълумотлар жорий қилинган;

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасини бошқа халқаро номенклатуралар билан таққослаш имкони яратилган;

ташқи иқтисодий муносабатларда қўллаш учун лок-бўёқ маҳсулотларининг кимёвий таркибини тадқиқ қилиш натижалари асосида янги товар кодлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлаб чиқилган тавсияларнинг асосланганлик ва ишончлилиги даражаси диссертация тадқиқотининг методологик

асоси, лок-бўёқ товарларни сертификатлаш, кодлаш, метёрий хужжатлари ва лок-бўёқ маҳсулотларининг хусусиятларини органолегтик, физик-кимёвий, таҳлилий, термик тадқиқ қилиш, бундан ташқари божхона экспертизасининг замонавий усулларида фойдаланилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лок-бўёқ маҳсулотларининг физик-кимёвий хусусиятларига қараб синфлашнинг илмий ва методологик асосини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лок-бўёқ товарларининг ташқи иқтисодий фаолият товaлар номенклатурасига мувофиқ тўғри таснифлашга ҳамда товарларни синфлаш ва кодлашнинг янги усули яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Лок-бўёқ маҳсулотларининг ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида синфлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лок-бўёқ маҳсулотлар учун ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига киритилган янги код рақамлари божхона амалиётга жорий қилинган. (Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132–сон маълумотномаси). Натижада лок-бўёқ маҳсулотларининг код рақамларини нотўғри белгилаш ҳисобига мамлакат иқтисодиётга зарар етказмасликнинг имконини берган;

лок-бўёқ маҳсулотларининг код рақамларини аниқлашда ишлаб чиқилган божхона экспертизасини амалга ошириш бўйича тезкор усули божхона амалиётга жорий қилинган. (Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132–сон маълумотномаси). Натижада лок-бўёқ маҳсулотларини тезкор ва сифатли таҳлил қилиш имконини берган;

ишлаб чиқилган лок-бўёқ маҳсулотларини таркиби бўйича аниқлайдиган масс селектив детекторли хроматографик усули божхона қўмитаси амалиётга жорий этилган (Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132–сон маълумотномаси). Натижада лок-бўёқ маҳсулотларини кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган;

лок-бўёқ маҳсулотларини сифат ва микдорий жиҳатдан аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган термогравиметрик усули божхона амалиётга жорий этилган (Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132–сон маълумотномаси). Натижада божхона фаолиятида лок-бўёқ маҳсулотлари экспертизаси самарадорлигини ошириш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан, 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссиясини диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.



Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши буйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Лок-бўёқ маҳсулотларининг умумий тавсифи» деб номланган биринчи бобида Лок-бўёқ маҳсулотлари устида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритилиб берилган. ЛБМларининг халқ ҳўжалигидаги ишлатилиши, аҳамияти, уларнинг асосий вазифалари, хоссалари, синфланиши, марқаланиши, ишлатилишига қараб синфланиши, ЛБМларининг турлари, физик-кимёвий хоссалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бирок адабиётларда Уйғунлашган тизим асосида Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича ЛБМларини товар кодларини такомиллаштириш ёки уларни сертификатлаш, кимёвий таркиби асосида синфлаш жараёнларининг асосий аспекти хамда бу жараёнларда учрайдиган муаммолар ечими келтирилмаган. Шу сабабли диссертациянинг асосий мақсади сифатида, ЛБМларининг товар кодларини аниқлаштириш, кодлаш, уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш муҳим эҳалигига қаратдик.

Диссертациянинг «Божхона экспертизасида ТИФ ТН асосида товар кодларини аниқлаш муаммоларини ўрганиш» деб номланган иккинчи бобида бојхона экспертизаси, бојхона экспертизасининг умумий мезонлари, товарларни идентификациялаш, товарларни кодлаш, бојхона экспертизасининг ТИФ ТН асосида товар кодларини аниқлашда тутган ўрни, товар кодларини аниқлашда қўлланиладиган усуллар, дунё бўйича ЛБМ ишлаб чиқишнинг ўсиши, ҳақиқий товарнинг қалбақисидан ажрата олиш усуллари, товарларни декларациялашнинг муҳим жиҳатлари, ЛБМ статистик таҳлили, ЛБМ ишлаб чиқарувчи йирик корхоналарнинг дунёда тутган ўрни, 2012-2017 йиллар давомида дунёда хамда республикамиздаги ЛБМ экспорт-импорт операцияларининг бајарилганлиги тўғрисида маълумот берилган. 2010 йилда дунё бўйича ЛБМ бўлган талаб 27 млрд (л.) ҳажми, яъни 93 млрд АҚШ долл. ташкил қилган. 2013 йилда 36 млрд. (л.) ҳажми, 120 млрд. АҚШ долл. ташкил этган. 2016 йилда эса 43 млрд. (л.) ҳажми, яъни 144 млрд. АҚШ долл. ташкил қилган. ЛБМ импорти 2013 йилда 2012 йилдагига нисбатан 26,248 миллион АҚШ долларига ошган. 2015 йилда эса 2014 йилдагига нисбатан 33,578 миллион АҚШ долларига камайган. Ўзбекистон бозорига асосий лок-бўёқ маҳсулотларини етказиб берувчи мамлакат Туркия ҳисобланади, унинг Ўзбекистон бозоридаги улуши 53,6%, ёки 1,2 млн. АҚШ долларига 1,4 минг тоннани ташкил этади. Германия ва Россия Ўзбекистон

импорти ҳажмида таҳминан бир хил 15,1 ва 13,6 улушга эга. Қолган улуш эса Озарбайжон, Қирғизистон, Италия, Нидерландия, Финляндия, ва Швейцариядан маҳсулот етказиб берувчилар ўртасида тақсимланган. Қозоғистон Ўзбекистонга лок-бўёқ маҳсулотлари етказиб бермайди. «Ўз Донг Жу» МЧЖ ҚҚДа ишлаб чиқарилган (1-жадвал) ЛБМнинг экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан, автомобиль бўёқларида 27%, қурилиш бўёқларида 5% ўсди. 1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, автомобиль бўёқлари ишлаб чиқариш ҳажми юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда, чунки «Ўз Донг Жу» ишлаб чиқарган автомобиль бўёқларига бўлган талаб ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда.

1-жадвал

«Ўз-Донгжу Пэинт Ко» ҚҚнинг 2012-2017 йиллар давомида экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми

№	ЛБМнинг номи	Ўлчов бирлиги	2012	2013	2014	2015	2016	2017	Жами
1	Автомобил бўёғи	Минг АҚШ. долл.	45	50,8	201	211	250	270	1027,8
2	Саноат бўёғи	Минг АҚШ. долл.	285	313,7	234,7	383	390	400	2006,4
	Жами	Минг АҚШ. долл.	330	364,5	435,7	594	640	670	3034,2

Диссертациянинг «ЛБМ ларини физик-кимёвий усуллар ёрдамида тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида лок бўёқларни металл, шиша, ёғоч ва бошқа материаллардан ишланган таглик сатҳларга қоплаш усуллари келтирилган. Учувчан, учмайдиган ва қаттиқ заррачалар масса улушини аниқлаш усуллари ўрганилган. Шартли қовушқоқликни ВЗ–246 ва Ford cup типдаги вискозиметрда ва ротацион қовушқоқликни эса Thomas stormer да аниқлаш усулларидан фойдаланилган. ЛБМ таркибидаги майда заррачаларнинг ўлчами “клини” асбоби ёрдамида микрометрларда ва хигман катталиги бўйича ўлчанган. ЛБМ ёпувчанлигини аниқлаш учун оқ қора шахмат қоғозига бир текисда суртиш орқали аниқланган. ЛБМларининг ялтироқлигини аниқлаш усули фототок ҳажмини ўлчашга асосланган. У фотодетекторда ёруғликлар тўпламининг қопламанинг юзасида акс этадиган таъсири остиде кўзгатилади. Автомобил ва саноат бўёқларини ИК-спектроскопик усулда таҳлил қилиш ишлари 400 4000 см<sup>-1</sup> ютилиш чиқиқлари ёрдамида Perkin Elmer Spectrum 10.4.3 ИК - спектрометрида амалга оширилган. Автомобил ва саноат бўёқларининг хроматомасспектрометрик таҳлили Agilent фирмасининг 5973N масс-селективли детектори базасида 5975 С GC/MS (YR-Puro PROBE-5000) хроматографида амалга оширилган. Термик таҳлиллар Паулик-Паулик-Эрдей тизимидаги дериватографида иситиш тезлиги 10°C/мин ва 0.1 г. синама оғирликда гальванометрнинг ҳаво атмосферасидаги Т-900, ТТ-200, ДТА-1/10, ДТТ-1/10 сезувчанлигида амалга оширилган. ЛБМнинг механик, термик ҳамда физик-кимёвий таркиби ҳақида услубий-экспериментал маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби ЛБМларини физик кўрсаткичларини тадқиқ этиш ҳамда уларни ИК-спектроскопик, ГХ/МС, термик усуллар ёрдамида тадқиқ этиш натижалари муҳокамасига бағишланган.

Тадкикот объектлари сифатида Уз-Донг Жу Пейэнт Ко, Ҳаёт, Мехржон корхоналарида ишлаб чиқарилган ЛБМ олинган ва улар асосида тадқиқотлар амалга оширилган. Заррачаларнинг майдаланиш даражаси, салмоғи, учмайдиган заррачаларнинг % ЛБМнинг (2-жадвал) қовушқоқлигига унчалик таъсир қилмайди.

2-жадвал

Автомобил бўёқларининг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш натижалари

№	ЛБМ	Қовушқоқлик F#сир		Майдаланган заррачалар ўлчами, µm		Зичлиги, кг/л		Учас зарра микдори, %	
		Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа	Меъёр	Натижа
1	BPR Gaz	32-36	34.12	Max 10	10	1.21-1.25	1.24	51-55	52.84
2	Solid 12U	45-55	51.65	Max 10	10	1.19-1.24	1.23	58-62	59.12
3	Qthate UT-720 White	60-64	64	Min 7	7	1.15-1.19	1.17	52-56	53.17
4	YS-360 Surfaser grey	60-65	64	Min 6.5	6.5	1.32-1.39	1.38	66-69	69.77
5	BPR Gan	22-27	25.59	Max 25	25	0.97-1.01	0.97	30-34	30.17
6	Top solid gaz	45-55	47.91	Max 10	10	1.19-1.24	1.22	58-62	60.02
7	Solid 77 K	45-55	48.76	Max 10	10	0.99-1.03	1.01	45-48	45.64
8	GNL Met	29-33	32.65	Max 25	25	0.95-0.98	0.97	28-32	29.94
9	BPR GCW	22-27	24.69	Max 25	25	0.96-0.99	0.97	28-32	31.71
10	Gaz acril	29-33	31.64	Max 10	10	1.16-1.19	1.18	54-56	54.88
11	GNG Met	29-33	31.88	Max 25	25	0.96-0.99	0.96	30-33	30.01
12	Solid 38 L	45-55	49.12	Max 10	10	1.05-1.08	1.07	48-53	49.01
13	Primer gaz	34-40	38.66	Max 10	10	1.19-1.23	1.20	57-61	58.01
14	QT-Морская волна	57-61	61	Min 7	7	1.05-1.09	1.09	46-49	48.47

Агар қовушқоқлик даражаси паст бўлса, уни пасайтириш учун бўёқни сепиш вақтида эритувчи кам микдорда ишлатилади. Агар қовушқоқлик даражаси баланд бўлса, у ҳолда бўёққа эритувчи кўпроқ қўшилади. ЛБМларининг шартли қовушқоқлиги асосий кўрсаткич ҳисобланади. Металлга қопланадиган бўёқлар қиммат, чунки уларнинг таркибида полиуретан смола бор. Алкид смолаларидан тайёрланган эмаллар 50% арзон. Қизил ва яшил пигментли бўёқлар қиммат. Қовушқоқликнинг турли хил

даражада бўлиши бўёқ таркибидаги смоланинг ҳажмига, бўёқ турига боғлиқ ва формулярдаги параметрлар сони билан аниқланади. Масалан: 10 намунадаги Gaz acril синтетик эмалида қовушқоқлик 29 дан 34 гача, бу суюқ бўёқда F # 4 билан ўлчанади. Ёки эпоксид смоладан тайёрланган 4 намуна YS-360 Surfacer grey да қовушқоқлик 60 65 Ku, бу қуюқ бўёқларни Ku да ўлчанади. Таркиби уретан смоладан ташкил топган бўёқларда, яъни 3-QThane UT 720 White ва 14 Морская волна QU 720 топ намуна бўёқларида қовушқоқлик 57-66 гачани ташкил этади. Металлик ва бампер бўёқларининг қовушқоқлиги ҳам худди акрил бўёқлари каби 57-66 ни ташкил этади. Таркибида алюмин пасталари мавжуд бўлганлиги сабабли 5-BPR Gan, 8-GVL Met, 9-BPR GCW, 11-GNG Met намуналардаги металл бўёқларида заррачаларнинг майдаланиш даражаси мах 25 дан 40 микронгача бўлиши мумкин. Бу алюмин пастанинг ўлчамига боғлиқ, чунки у ЛБМ нинг рангини аниқлашда асосий роль ўйнади. Агар ЛБМ салмоғи меъёрдан кам бўлса, у ҳолда бўёқ оқ қора рангни қопламайди. Ўз тури ичидаги бўёқларнинг учмайдиган заррачалар кўрсаткичи қанча юқори бўлса, у ташқи муҳитни шунча кам ифлослантиради. Саноат бўёқларининг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш натижаларини 3–жадвалдан кўриш мумкин.

3-жадвал


Саноат бўёқларининг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш натижалари

№	ЛБМ	Қовушқоқлик, Ku		Майдаланган заррачалар ўлчами, мкм		ρ, кг/л		Учмас зарра микдори, %		Ялтироқлик, 20 °С	
		М	Н	М	Н	М	Н	М	Н	М	Н
1	Traffic	75-80	80	Min 4	4	1.38-1.44	1.42	63-67	65.14	20-30	27
2	Neolite	80-90	88	Min 7	7	1.18-1.24	1.20	59-63	61.44	-	90
3	Royal mel	80-85	83	6	6	1.03-1.09	1.08	50-55	53.41	85-60	89
4	Royal tex	85-90	90	Min 3	3	1.28-1.33	1.39	52-56	54	-	-
5	Qd top 9050	80-120	107	Max 20	20	1.23-1.29	1.27	41-49	46.86	Min 60	93
6	QD primer	80-85	103	Max 15	30	1.23-1.29	1.28	58-63	65.79	-	82
7	Royal pox	68-72	70	Max 20	20	1.28-1.34	1.34	59-63	61.14	70	80

5-намунада қовушқоқлик 107 Ku ни, учмайдиган зарраларнинг микдори 46,86%, ялтироқлик 93 ни ташкил этади. Зарраларнинг майдаланиш даражасига 30 га тенг бўлган ҳолати солиштирилганда 6-намунанинг ялтироқлиги 82 га тенг.

1-намунада зарраларнинг майдаланиш даражаси энг паст, ялтироқлик кўрсаткичи ҳам энг паст 27 га тенг. Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, зарраларнинг майдаланиш даражаси бўйича ялтироқлик кўрсаткичининг ўзгаришини кузатиш мумкин. Демак, зарраларнинг майдаланиш даражаси қанча юқори бўлса, NV % шунча юқори бўлади. Бундан ташқари, ЛБМ ларининг салмоғи қанча юқори бўлса, ялтироқлик кўрсаткичи шунча паст бўлади.


ЛБМ ИК-спектроскопик усулда идентификациялаш ва микдорий аниқлаш. Ўрганилаётган намуналардаги ИК-спектрларининг маълумотнома спектри билан солиштириш ишлари уларни таққослаш йўли билан амалга оширилган. Аниқланишича, бир бирига мос спектрлар умумий кўриниши, сони, жойлашиши ва ютилиш чизиқларининг нисбатан тезлиги билан бир хилдир. Бу ўрганилаётган намуналарни бирламчи идентификациялаш имконини беради. Тадқиқот учун намуна сифатида турли гуруҳга тегишли 15 та бўёқ танлаб олинди. ИК-спектрлари ИК-спектрометрларида 400–4000  $\text{см}^{-1}$  гача бўлган тўлқин масофасида олинган. Бунинг учун ҳар бир намунадаги 1-2 мг навескани 200 мг ингичка дисперсли қуритилган KBr билан яхшилаб аралаштирилади ва таблетка шаклида прессланади.



1-Royalrox бўёгининг ИК-спектри, 2-Neolite бўёгининг ИК-спектри, 3- Royaltex бўёгининг ИК-спектри, 4- Traffic бўёгининг ИК-спектри, 5- Royal mel бўёгининг ИК-спектри.  
1-расм. Саноат бўёқларининг ИК-спектрлари.

ИК-спектроскопик усулдан бўёқларнинг тузилишини аниқлаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотнинг таркибий қисми сифатида фойдаланиб, ИК- спектрдан топилган тавсифловчи частоталар ёрдамида бирикмалардаги функционал гуруҳлар ва тузилмавий элементларни катта аниқлик билан идентификациялаш мумкин. Спектрларни солиштириш вақтида “бармоқ излари” деб номланувчи 700 дан 1400  $\text{см}^{-1}$  майдонига алоҳида аҳамият бериш зарур. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган саноат бўёқларининг ИК-спектрлари ўрганилди: Ройал рох ИК-спектри (1-спектр), Неолит бўёқлари (2-спектр), Ройал тех (3-спектр), Траффик бўёгининг ИК- спектрлари (4-спектр) ва Ройал мел (5-спектр). Барча спектрлар расмларда спектрлар қатори кўринишида берилган ва тадқиқот ўтказишга қулай бўлиши учун ўтказиш ўқи бўйлаб бир-бирига қаратиб жойлаштирилган. Барча спектрларда ўзига хос саноат бўёқларини ютиш чизиқлари кузатиломқда, уларга биринчи навбатда 2910-2925  $\text{см}^{-1}$  частотадаги кенг ва тезкор чизикни киритиш мумкин. У 1720-1740  $\text{см}^{-1}$  ютилиш чизиғида валент тебранишли  $-\text{CH}_2$  гуруҳи ва  $\text{C}-\text{O}-\text{COO}$  гуруҳи тутган карбонилли мураккаб эфирга мос келади. Бу гуруҳларнинг мавжудлиги алкид бўёқлар учун  $\text{C}-\text{O}$  боғли валент тебранишлари билан шартланган 1250-1270  $\text{см}^{-1}$  майдондаги ютилиш чизиғининг интенсивлиги билан тасдиқланади. Барча намуналарда 1450-1600  $\text{см}^{-1}$  ва 690–770  $\text{см}^{-1}$  майдондаги интенсив ютилиш чизиқларида ароматик углеводородларнинг спектрлари намоён бўлиши кузатилади. Бироқ, 1120-1130 ва 1060-1070  $\text{см}^{-1}$


интенсив чизиклари жуфтлари алкид смолаларнинг 5 спектрида бўлгани каби ЛБМ ларининг спектрларида ва уларнинг асосида ҳам учрайди. Орто-ҳолатидаги 2 та ўринбосар ароматик халканинг  $740\text{ см}^{-1}$  да ўрта интенсив чизигида мавжуд бўлади. У ароматик халкадаги Н нинг 4 та қўшни атоми деформацион тебранишлари билан шартланган. Бу чизик  $690\text{-}710$  ва  $760\text{-}770\text{ см}^{-1}$  майдонидаги заиф чизиклар билан биргаликда ўзига хос о-фталъ эфирлари учун типик бўлган характерли гурухни ҳосил қилади. Аминли қаттиқлаштирувчиларнинг ИК-спектрида  $650\text{-}900$  ва  $1182\text{ см}^{-1}$  майдонда 1-намунадаги амина гуруҳига мос келадиган кенг ютилиш чизиклари белгиланган. 2,3,4-намуналардаги акрил бўёқларига мос келувчи триазин халқасининг нотекис деформацияланган тебранишлари билан шартланган  $830\text{ см}^{-1}$  характерли интенсив чизикда кузатилади. Шундай қилиб, 2,3,4- намуналарда ўзига хос интенсив ютилиш майдонлари аниқланган. Улар триазин халқасининг нотекис деформацияланган тебранишлар билан шартланган  $830\text{ см}^{-1}$  интенсивлик чизигига эга. Шунингдек, 1-намунадаги амин гуруҳларига мос  $650\text{-}900\text{ см}^{-1}$  ва  $1182\text{ см}^{-1}$  майдонда кен ютилиш чизиклари ва алкид смолаларга хос бўлган 5-намунада  $1120\text{-}1130\text{ см}^{-1}$  ва  $1060\text{-}1070\text{ см}^{-1}$  интенсив чизиклар кузатилади.



1- GNG MET бўёгининг ИК-спектри, 2- QDPrimer бўёгининг ИК-спектри, 3- QT-Морская волна бўёгининг ИК-спектри, 4- GNLMET бўёгининг ИК-спектри.  
2-расм. Автомобил (металлик) бўёқларининг ИК-спектрлари.

2-расмда металл автомобил бўёқларини ИК-спектрлари келтирилган. Улар таркибига кўра 1,4 ва 2,3 намуналарда фарқланади. 1,4-намунадаги ИК- спектрлари  $2925\text{ см}^{-1}$ ,  $1735\text{ см}^{-1}$ ,  $1380\text{ см}^{-1}$  майдонларда интенсив ютилиш чизикларига эга, улар иккала намунада намоён бўлган ва полиэфир бўёқларига хос бўлган  $-\text{CH}_2$ ,  $-\text{CH}_2\text{-CHO}$ ,  $-\text{CH}_3$  мос келади. 2 ва 3-намуналардаги ИК-спектрлари  $3450\text{ см}^{-1}$ ,  $2925\text{ см}^{-1}$ ,  $1735\text{ см}^{-1}$ ,  $1600\text{ см}^{-1}$ ,  $1450\text{ см}^{-1}$ ,  $1384\text{ см}^{-1}$  майдонларда интенсив ютилиш чизикларига эга, бу ароматик халқа,  $-\text{OH}$ ,  $-\text{CH}_2$ ,  $-\text{CH}_2\text{-CHO}$ , гуруҳларининг валент тебранишларига мос, алкид ва алкид-уретан бўёқлари учун  $-\text{CH}_3$  гурухи характерлидир.

ЛМБ ларини ГХ масс селектив детектори ёрдамида таҳлил қилиш. Газли хроматография, электрон ионлангириш масс-спектрометрик ва электронларни резонанс тутиш манфий ионлари масс-спектрометрияси (МС ОИ РЗЭ) ни биргаликда ишлатиш асосида олинган.



3-расм. BPR BASE COAT (GAZ) бампер автомобиль бўёгининг газ хроматограммаси.


ЛБМни идентификация қилиш усули шундан иборатки, модда хроматографик бўлингандан сўнг мусбат ионларни детекторлаш билан электрон ионлантириш усули ёрдамида ионлаштирилади ва (ёки) манфий ионлари рўйхатта олиниб, 0 дан 15 эВ гача бўлган энергияга эга электронлар билан ионлаштирилади ҳамда олинган бир-бирини тўлдирувчи маълумотлар асосида олинган намунанинг таркиби ҳамда индивидуал бирикмаларнинг молекуляр тузилиши ўрнатилади

Намунани газ хроматографик усулда идентификациялаш вақтида шу нарса аниқланадики, аввалига карбоксил кислоталар гуруҳида парчаланиш рўй беради, кейин эса икки боғли бутен ва кетон, полистирен, пентил гликол ва бошқалар

ЛБМ термогравиметрик таҳлил ёрдамида аниқлаш. Термик таҳлил Паулик Паулик Эрдей тизимидаги дериватографда ўтказилди. У масса ўзгариши ва ҳарорат фарқини ўрнатилган 10 С/мин тезликда тўхтатмасдан киздириш ва унга 0,1 г намуна қўшиб, атмосфера ҳавосида гальванометр сезувчанлиги Т-900, ТГ-200, ДТА-1/10, ДТГ-1/10 бўлганида қайд олинди.


Намуналардан синамаларнинг микдори 10–40 мг атрофида бўлади. Намуналар ҳаво атмосферасида сопол идишларда 25 °С дан 700 °С гача бўлган ҳароратда киздирилди. Ёзувлар атмосфера шароитида газ муҳитини сув пуркагичли насос ёрдамида доимий олиб ташлаб амалга оширилди. 7мм диаметрга эга бўлган қопқоқсиз платина тигель ушлагич вазифасини ўтади. Инерт ташувчи сифатида алюминий оксидидан фойдаланилди. Намуналар дериватограф тигелини бир текисда тўлдириш ва намунани дериватографда қиздириш вақтида градиентлар ҳароратини бир маромда бўлиши мақсадида олдиндан кукунсимон ҳолатга келгунча ағат ҳовончада туйилди. Кейин намуна қолдиқ намликни ва эритувчинини чиқариб ташлаш мақсадида қуритиш шкафида қуритилди.

Термогравиметрик таҳлил натижалари ҳам худди шундай кетма-кетликни кўрсатди. Тўртта эндоэффект ва саккизта экзоэффект эгри чизикларини кўрсатувчи (4-расм) термогравиметрик таҳлилларни газ хроматографик таҳлил натижалари билан солиштириш мумкин. 105°С да эндоэффект эгри чизиғи боғланган сув чиқишига мос келади. Кейинги эндоэффектлар 135, 165, 340 °С ларда карбоксил, кетон, гликол ва этил гуруҳлари учун характерлидир.



4-расм. BPR BASE COAT (GAZ) автомобиль бўёгининг термодифференциал таҳлил натижаси.

244, 297, 430, 467, 530, 612, 688<sup>o</sup>C лардаги экзоэффект эгри чизиқлари BPR Gaz намунасининг термогравиметрик таҳлилида полистирол, этил бензен, кселен, метоксипропилацетат, циклопентан, бензен, метилен, циклопропаноллар хромато масс спектроскопик таҳлил натижасидан олинган маълумотларга мос келади.



5-расм. Royal mel индустриал бўёгининг термодифференциал таҳлил натижаси.

120, 185 <sup>o</sup>C ҳароратда Royal mel индустриал бўёгининг (5-расм) 2 та эндотермик эффекти олинган хроматомассспектроскопик таҳлил маълумотларига солиштирилганда альдегид ва спиртларга мувофиқ келиши аниқланилди. 240, 305, 430, 450, 485, 518, 570 и 700 <sup>o</sup>C ҳароратда термогравиметрик таҳлил ўтказилганда экзотермик эффектлар хроматомассспектроскопик маълумотларига мос келди. Унга кўра, о-ксилен, циклопентан, октан, ундекан, циклогексан, циклодекан, пентадекан гуруҳларига мос.

ЛБМ ларини ТИФ ТН код рақамларини божхона экспертизаси орқали таҳлил қилиш натижасида товаларнинг таркиби, тузилиши, органолептик, физик-кимёвий ва бошқа курсаткичлари лаборатория шароитида ўрганилди. Бу ўз навбатида, бир қатор жиноятларнинг олдини олиш ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини беради.



## Автомобил ва саноат буюқлари учун тавсия этилган янги ТИФ ТН код рақамлари

№	Буюк номи	Кимёвий таркиби (смола)	Зичлиги, кг/л	Нархи	Тавсия этилаётган ТИФ ТН коди
1	Роял мел	Алкид	1.03-1.09	51 895	3208 10 900 0
2	UT-720 Q- Thane	Уретанли	0,96-1,20	57 471	3208 10 900 1
3	Base coat solid	полнэфир меламинли	1.21-1.25	86 733	3208 10 900 2
4	Топ солид	алкид меламинли	1,19-1,25	108 627	3208 90 910 1
5	Неолит	акрил меламинли	1,08-1,29	31 578	3208 90 910 2
6	Роял покс	Эпоксид	1,36-1,40	47 480	3208 90 910 3
7	ST-600 Royal tem silver	Силикон	1,28-1,36	54 314	3208 90 910 4
8	Траффик	Акрил	1.38-1.44	25 009	3209 10 000 9
9	Роял текс	Алкид	1,34-1,40	15 650	3209 90 900 0


Бизнинг республикамызда 10-хонали код рақамларидан ташкил топган Ташки иқтисодий фаолият товар номенклатурасидан фойдаланилади. Бироқ ушбу ТИФ ТНда иқтисодий ва стратегик жиҳатдан муҳим саналадиган товарлардан лок-буюк материаллари ва лок-буюк қопламалари тўлиқ ҳажмда акс этмаган.

Лок ва буюк маҳсулотларини кимёвий таркиби, уларни зичлик кўрсаткичига асосланиб ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича янги код рақамлар яратилган (4-жадвал).

Товарнинг ҳақиқий таркибига таянмасдан кодлаш натижасида божхона устамаларини белгилашда, лок ва буюк маҳсулотларини сертификатлашда қатор хатоликларга йўл қўйилиши кузатилмоқда. Масалан: 26 турдаги буюк товарларидан олинган намуналар асосида ўтказилган экспертизада ушбу маҳсулотларнинг ТИФ ТН бўйича нотўғри классификация қилинганлиги аниқланди. Мазкур буюкларни ТИФ ТН нинг 32 гуруҳида белгиланган 4-изоҳга асосан код рақамларини қўйиб, товар учун олинган божхона тўловларини камайтиришга ҳаракат қилинган. Полимер асосидаги хўжалик буюғига мой асосидаги хўжалик буюғининг 321000100 ТИФ ТН кодини нотўғри қўйиб расмийлаштирилаётганлиги ўтказилган экспертизалар натижасида буюк алкид лак асосида тайёрланганлиги аниқланиб, унинг тўғри ТИФ ТН коди 3208109000 эканлиги юзасидан хулоса тайёрланди. Натижада 1,007 млрд. сўм маблағ қўшимча божхона тўловлари сифатида ундирилди.

Лок-буюк маҳсулотларининг ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси асосида синфлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

лок-буюк маҳсулотлар учун ташки иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига киритилган янги код рақамлари божхона амалиётига жорий қилинган. (Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132-сон маълумотномаси). Натижада лок-буюк маҳсулотларнинг код рақамларини нотўғри белгилаш ҳисобига мамлакат иқтисодига зарар етказмаслигининг имконини берган;



лок-бўёқ маҳсулотларининг код рақамларини аниқлашда ишлаб чиқилган божхона экспертизасини амалга ошириш бўйича тезкор усули божхона амалиётига жорий қилинган. (Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132-сон маълумотномаси). Натижада лок-бўёқ маҳсулотларини тезкор ва сифатли таҳлил қилиш имконини берган;

ишлаб чиқилган лок-бўёқ маҳсулотларини таркиби бўйича аниқлайдиган масс селектив детекторли хроматографик усули Давлат божхона кўмитаси амалиётига жорий этилган (Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132-сон маълумотномаси). Натижада лок-бўёқ маҳсулотларини кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган;

лок-бўёқ маҳсулотларини сифат ва миқдорий жиҳатдан аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган термогравиметрик усули божхона амалиётига жорий этилган (Давлат божхона кўмитасининг 2018 йил 10 майдаги 05/16-05132-сон маълумотномаси). Натижада божхона фаолиятида лок-бўёқ маҳсулотлари экспертизаси самарадорлигини ошириш имконини берган;

## ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор лок-бўёқ маҳсулотларининг кимёвий таркибидан келиб чиққан ҳолда амалдаги товар кодларига қўшимча тарзда киритилган товар кодлари учун уларнинг кимёвий тузилиши ва таркиби асосида изоҳлар тавсифи берилган;

2. Лок-бўёқ маҳсулоти турлари учун товар кодларини смола миқдори, ранг берувчи моддалар ва эритувчилар табиати ҳамда таркибидаги бошқа кимёвий моддаларнинг миқдори асосида белгилашнинг физик-кимёвий усули ишлаб чиқилган;

3. Лок-бўёқ маҳсулотларининг товар ҳолатини белгиловчи органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичларига мувофиқ мазкур маҳсулотларнинг код рақамларини уларнинг зичлиги асосида белгилаш аниқланган;

4. Лок-бўёқ маҳсулотларининг код рақамларини аниқлашда хужжатларга асосланган услубиятдан тубдан фарқ қилган ҳолда мазкур маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларига мувофиқ усул ишлаб чиқилган;

5. Лок ва бўёқ маҳсулотларини кимёвий таркиби, уларни зичлик кўрсаткичига асосланиб ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича қуйидагича: 3208 10 900 0 – алкидли лок, 3208 10 900 1 – уретанли лок, 3208 10 900 2 – полиэфир, полиэфир меламинали локлар, 3208 90 910 1 – алкид грунтровка, алкид меламинали бўёқ, 3208 90 910 2 – акрил меламинали, акрил уретанли бўёқ, 3208 90 910 3 – эпоксидли бўёқ, 3208 90 910 4 – силиконли бўёқ, 3209 90 000 9 – акрил сувда эрийдиган эмульсия, 3209 90 900 0 – алкид сувда эрийдиган бўёқ учун янги код рақамлари тавсия этилган;

6. Халқаро иқтисодий муносабатларда декларантлар томонидан божхона юк декларацияларини расмийлаштириш, шунингдек ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва экспертларнинг фойдаланиши учун таклиф қилинган лок-бўёқ маҳсулотларининг божхона экспертизасини ўтказишнинг самарали тезкор усуллари ишлаб чиқилган;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИИСТИТУТ**

**ИСЛАМОВА САИДАХОН ТУРГУНОВНА**

**НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ КЛАССИФИКАЦИИ ЛАКО-КРАСОЧНЫХ  
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ ТОВАРНОЙ НОМЕНКЛАТУРЫ**

**02.00.09 – Химия товаров**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2017.2.PhD/T251 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tkti.uz](http://www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» по адресу [www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)

Научный руководитель:

Хамракулов Гафуржан  
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримкулов Курбанкул Мавлянкулович  
доктор технических наук, профессор

Тураев Шавкат Абдиқаюмович  
кандидат технических наук

Ведущая организация:

Андижанский государственный институт

Защита состоится 16 06 2018 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc 28.03.2018.К/Т.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г.Ташкент, ул. Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: [tcti\\_info@edu.uz](mailto:tcti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентском химико-технологическом институте за № 48, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100011, г.Ташкент, ул. А.Навои, 32). Тел.: (+99871) 244-79-20.

Автореферат диссертации разослан 04 06 2018 года  
(реестр протокола рассылки № 3 от 22 06 2018 года).



*[Handwritten signature]*

Ш.А.Муталов  
председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н.

*[Handwritten signature]*

Х.Л.Пулатов  
член секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени, к.т.н., доцент

*[Handwritten signature]*

Д.А.Рахимов  
председатель Научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня в мировом масштабе по производству «лако-красочной продукции» первые места занимают такие страны, как Нидерландия, США, Германия, Япония, Швейцария, Норвегия, Южная Корея, Индия, Мексика и Российская Федерация. Спрос на эту продукцию в год составляет 43 млрд. (л.)<sup>1</sup>. Является важным проведение научных исследований по правильной классификации при определении качества, сортов и цен лакокрасочных материалов, создание методов экспортно-импортных операций.

В целях обеспечения полного соответствия, разработанных международных номенклатур всем поставленным требованиям организаций, на сегодняшний день ведутся научно-исследовательские работы, направленные на правильную классификацию товаров в соответствии с товарной номенклатурой внешнеэкономической деятельности, на выполнение международных обязательств в части единообразной классификации, установленных Международной конвенцией о Гармонизированной системе описания и кодирования товаров и объективности таможенной статистики.

С обретением независимости в республике проделана определённая работа по классификации товаров при применении товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан. Актуальным является кодирование лакокрасочных материалов на основе их физико-химических и физико-механических показателей для применения товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «либерализации и упрощению экспортной деятельности, диверсификации структуры и географии экспорта, расширению экспортного потенциала отраслей экономики и территорий»<sup>2</sup>. В этой связи, в том числе, особое значение приобретают научные исследования, направленные на классификацию лакокрасочной продукции на основе товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», об упорядочении деятельности органов государственной таможенной службы, о котором говорилось в Обращении к Олий Мажлису от 22 декабря 2017 года, в № УП 5286 от 15 декабря 2017 года «О дополнительных мерах по стимулированию экспорта и обеспечению конкурентоспособности отечественных товаров на внешних рынках», в № ПП 3303 от 29 сентября 2017 года, а также в № ПП 3254 от 4 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему упорядочению внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан» и № ПП 3351 от 03.11.2017 г. «О мерах по дальнейшей либерализации

<sup>1</sup> <http://colordigest.com/top-50-krupnejshix-mirovyyx-proizvoditelej-lkm/>

<sup>2</sup> <http://strategy.regulation.gov.uz/uz/document/2>

внешнеторговой деятельности и поддержке субъектов предпринимательства», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии со следующими приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.**

Научные исследования по некоторым вопросам классификации продовольственных и непродовольственных товаров по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности проводили такие ученые, как О.А.Голубенко, С.В.Колобов, Т.В.Гомелько, К.Н.Красиков, С.Ю.Дмитренко, В.Е.Сычко, Е.И.Андреева, Т.К.Гаммацева, В.В.Шмидт, Л.П.Жугла, А.В.Авдеенко, Д.Ф.Реш, С.А.Вилкова, К.А.Алымбеков, О.Ю.Свекольникова, Н.А.Гриневич, И.Р.Аскарлов, Г.Хамракулов, К.М.Каримкулов, Л.Т.Пулатова, Б.Ё.Абдуганиев, Ш.М.Киргизов, А.М.Жураев, Н.Х.Тухтабоев, О.Ж.Абдурахмонова, М.М.Хожиматов, Д.Т.Хасанова, Н.К.Тулаков.

Учёными были разработаны принципы идентификации, классификации и сертификации товаров на основе их химического состава. В частности, даны рекомендации по внедрению в практику идентификации некоторых экспертно-импортных товаров с помощью таможенной экспертизы на основе товарной номенклатуры внешнеэкономической деятельности.

В настоящее время ведутся научные работы по решению ряда методологических задач, связанных с повышением эффективности экспертизы по качеству лакокрасочных продуктов, повышению конкурентоспособности вновь созданной лакокрасочной продукции, а также вопросов, связанных с их физико-химическими свойствами. Создание теоретических основ и практическая необходимость решения указанных выше проблем, придают подобным исследованиям актуальность.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена работа. Диссертационное исследование выполнено в Ташкентском химико-технологическом институте в рамках научно-исследовательского направления «Стандартизация, метрология, сертификация, контроль качества и классификация товаров».

Целью исследования является создание Национальной товарной номенклатуры автомобильных и промышленных лакокрасочных материалов по их химическому составу на основе Гармонизированной системы.

**Задачи исследования.**

На основании теоретических предпосылок и в соответствии с целью исследования возникла необходимость решить следующие задачи:

исследовать сущность фальсификации лакокрасочных товаров, разработать классификацию и обосновать методологическую особенность экспертизы на подлинность;

осуществить комплексное исследование кодов лакокрасочных материалов, применяемых ныне в товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности;

изучить применяемые ныне технические условия и O'z DSt по лакокрасочным материалам, определить основные физико-химические параметры, влияющие на определение кода товара по товарной номенклатуре внешнеэкономической деятельности;

разработать новые товарные коды на основе результатов исследования химического состава лакокрасочных материалов для применения во внешнеэкономических отношениях.

